

## ФАРЗАНД ТАРБИЯСИДА ОТАНИНГ РОЛИ ВА УНИНГ ИЖТИМОЙ ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

**Отажонова О.А.,**

психолог фанлари номзоди К.Бекзод номидаги  
Миллийрассомлик ва дизайн институти доценти

**Абдуллаева Н.И.,**

К.Бекзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн  
институти ПТ.АСАТ Факултети 3-боскич талабаси.

### **АННОТАЦИЯ**

*Ушбу мақолада оилада ота-оналар ҳамда уларнинг ўсмирлик ёшидаги фарзандларидаги шахсий ҳамда гендер идентификациянинг ўзаро боғлиқ жиҳатлари ўрганилганлиги ҳақида сўз боради*

***Калит сўзлар:** жинсий идентификация, гендер роли, оилада ўзаро муносабатлари, гендер стереотиплар*

### **АННОТАЦИЯ**

*В данной статье исследуются взаимосвязь аспектов личных и гендерных идентификаций между родителями и их детей подросткового возраста.*

***Ключевые слова:** половая идентификация, гендерная роль, внутрисемейных отношений, гендерные стереотипы*

### **ABSTRACT**

*This article explores the relationship between aspects of personal and gender identities between parents and their adolescent children.*

***Keyword:** gender identification, gender role, intra-family relationships, gender stereotypes*

Ота - оила бошлиғи , оила устунлиги. Бу сўз ҳар бир ўзбек оиласи учун қабул қилинган ижтимоий норма , яъни ўзимиз тўғри деб билган ва ҳеч қандай эътирозсиз қабул қилган меъёрларимиздир. Ана шу меъёрни ушлаб туриш учун эса, аввало ота ролини бажариш, уни маромига етакази олиш, ҳар бир эркакдан катта маъсулият ва оталик илмини талаб этади .Чунки унинг ҳар бир ҳатти-ҳаракати бола кўз ўнгида намоён бўлади ва ўз навбатида фарзандларига ота қандай бўлиши кераклигини таъкидлаб боради.

Ҳадиси шарифда “Отадан қолғувчи мерос унинг ҳулқидир “деган ҳадис бор. Аҳамият беринг, ота ўзидан кийин фарзандига фақат ҳулқини мерос қолдира оларкан. Демак у ота бўлган кунидан бошлаб фарзанди учун ўз феъл атворини ижобий томонга буриши, ўзидаги қусур ва камчиликларни йўқотишга киришиши, келажакда шу фарзанди комил инсон бўлиб вояга етишини кафолатлайди.

Ота фарзанди учун тинмай ишлайди, елиб югуриб рўзғорга ризқ –рўз келтиради. Оиладаги боқувчилик ролини биринчи вазифа ва бурч деб билади. Оилада вояга етаётган фарзанд учун эса, ота оиланинг иқтисодий жиҳатдан таъминловчиси эканлиги табиий қабул қилинади. Оилада қарорни ота чиқариши ва бошқа оила аъзоларининг унга итоат этиши, бизнинг ўзбек оилалари учун ижобий ҳолат сифатида эътироф этилади. Аёлнинг ўз турмуш ўртоғини болаларининг кўз ўнгида ҳурматини жойига қўйиши, яъни оила бошлиғи бўлмиш отанинг обрўсини фарзандлари тарбияси учун ижобий таъсир кўрсатишини англаган ҳолда, муносабатларни ташкил этиши фарзандларнинг оила ҳақидаги ижтимоий тасаввурлари шаклланишида ижобий таъсир кўрсатади. Лекин бунинг акси бўлса, ота оиладаги оталик маъсулиятини чуқур ҳис қилмаса, оиладаги мавқеи ҳақида ўйламаса ёки ҳаракат қилмаса, демакки бундай оилада мувозанат бузилади. Болаларда отага нисбатан ишонч, ғурурланиш ҳисси сўниб боради. Бу ҳолат айниқса, ўғил болалар психологиясига салбий таъсир кўрсатади Чунки ўғил бола учун унинг отасидан кучли отасидан ақлли инсон йўқ бу ҳаётда. Ўсмир ёшига етган болаларда бу ҳолат айниқса кучли сезила бошлайди.

Ўсмир ёшдаги ўғил болалар оталари билан мулоқот қилишни, улар билан турли мавзуларда суҳбат қуришни қалбан хоҳлайдилар ва шунга эҳтиёж сезадилар. Ота бу вақтда дўст –суҳбатдош сифатида муносабатга киришса, бола ўз отасини ўзига энг яқин инсон сифатида қабул қилади ва ўз режа ва истакларини отасига очик баён эта олади ва ҳатто уни қийнаётган муаммоларни ҳам унга айтишга жураат топади. Бунинг учун ота нафақат оила боқувчиси, балки ҳар бир оила аъзосининг яқин дўсти ва суҳбатдоши бўла олиши керак. Отада болани тинглаш ва уни ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда муомила маромларини ташкил эта олиш ва ҳар бир фарзандини ҳис- кечинмаларини тушуна олиш қобилиятига эга бўлиши керак. Биз ҳаётда кўплаб ютуқларга эришишимизнинг омилларидан бири бу бизнинг яхши тингловчи бўла олишимиз билан ҳам белгиланади.

Шундагина бола оиладан ташқаридан ўзи яхши билмаган ва танимаган инсонлар билан яқин муносабатларга киришишга эҳтиёж сезмайди.

Отанинг онага муносабатига қараб эса, қизлар одатда ўзини келажакда

турмуш ўртоғига нисбатан қандай тутишини ўрганиб боради. Ўғил болалардаги жинсий тарбиясида ҳам шунга ўхшаш тамойил устивор бўлади, яъни, у ҳам ота - оналар ўзаро муносабатларига мос тарзда ўзини келажакда оила бошлиғи, эр ролига ҳамда онасининг юриш-туриши ва фарзандларга муносабатига қараб, оталик ролига руҳан тайёрлаб боради.

Биз текширган эркак респондентларда юқори кўрсаткичларда мослашувчанлик, мулоқот қобилияти, ирода, ўзига ишонч билан тўғри қарорлар чиқаришга ва муваффақият қозонишга мойиллик, ўзига нисбатан ҳурмат, бошқаларни тушуниш, киришимлилик, шу билан биргаликда агрессивлик, авторитарлилик воситасида турмуш ўртоғига таъсир кўрсатишга интилишлари маълум бўлди. Бундай установакаларнинг турмуш ўртоқларида қандай таъсир қилиши, энг муҳими – шу оилада бола онгига нечоғли таъсири масаласи ижтимоий-психологик нуқтаи назардан ўта муҳимдир. Иккинчи томондан, маҳаллий муҳитимиздаги оилавий муносабатлар анъаналарига кўра, айнан эркаклардаги бу сифатлар уларнинг фарзандлари ва турмуш ўртоғи олдидаги мақомини кўтарувчи омил сифатида қаралишини ҳам унутмаслик лозим. Нима бўлганда ҳам айнан шу маскулин сифатлар муайян маънода бизнинг тасаввурларимиздаги гендер стереотипларнинг асосидир.

Олинган натижалар оилавий муносабатлардаги лидерлик масаласига оид гендер тасаввурларидаги муайян поляр фарқлар борлигини кўрсатди. Чунки аёллар кўпроқ жавоблари билан ўзларида фрустрацион ҳамда шерикчиликни афзал кўрувчи лидерликка мойил эканликларини, эркаклар эса ўзларида мажбуран акс этадиган, намоёишкорона лидерлик ҳамда агрессив лидерлик хислатларига эга эканликларини билдирдилар. Бундан ҳали айнан улар ўз оилаларида шундай лидерликни намоён этади, деган хулоса келиб чиқмайди, чунки реал ҳаётда айнан аёлларга хос бўлган мажбуран лидерлик типи умуман лидерликка, оиладаги барча муносабатларда етакчи бўлишга даъвогарлик қилмайди.

Шунга қарамай, биз аёлларнинг аксарияти оилавий ўзаро муносабатларда агрессив лидерликдан қочишлари, шахсий магнетизм ва мажбурий лидерликдан вақти-вақти билан фойдаланишни афзал кўришларини аниқладик. Эркаклар жавоблари таҳлилида эса айнан аёллар жавобларига хос бўлмаган лидерлик шакллари кўпроқ намоён бўлмокда, яъни, улар меҳр-муҳаббат ва ўзаро келишув асосида оилавий муносабатларни мувофиқлаштиришдан кўра, очик мажбурий (тайзикли) лидерлик ҳамда керак бўлса, агрессив лидерликни намоён этишга мойил ва тайёрроқ эканлигини кўрсатди.

Демак шарқ эркакларига хос бўлган оилада етакчиликка мутлоқ даъвогарлик ҳали-ҳануз эркакларнинг ижтимоий установакаларининг когнитив

соҳаларида сақланиб қолган. Тўлиқ оила муҳитида ҳамкорлик ва шерикчиликка асосланган эр-хотин муносабатларидаги эркакнинг ўрни ва роли ҳам ўғил болада эркак жинсига оид идентификацион сифатларнинг намоён бўлиши ва шаклланишига мақбул шарт-шароит сифатида роль ўйнаши мумкин. Эркакнинг фаол ва етакчи мавқеи, ундаги лидерликнинг сифати ва туридан қатъий назар, қиз болада истиқболда оилавий муносабатларда замонавий аёл-она образига эга бўлиш ва гендер муомала маромларини аниқ тасаввур этишга имкон беради.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Бендас Т.В. *Уровень организованности групп и проблема лидерства (на примере студенческих групп)*. - Л., 1981.
2. Бендас Т.В. *Психология лидерства: Гендерный и этнический аспекты*. – СПб, 2002 – 216 .
3. Каримова В.М. *Оилавий ҳаёт психологияси*. - Т., 2006 – 142 б.